O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 181200

Шу азиз Ватан — барчамизники

топширилди: 21.30

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 21 NOYABR SESHANBA № 136 (26.686)

ПРЕЗИДЕНТ ИТАЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Италия иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг олди давлатларидан бири ҳисобланади. У «Катта еттилик», Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби кўплаб нуфузли тузилмаларнинг катта салоҳиятга эга бўлган аъзоси. Италия халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақаларда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш борасидаги кўплаб тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

У сўнгги йилларда айниқса иқтисодий соҳада катта ютуқларга эришаётир. Хусусан, ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринда туради, мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг эллик фоизи шу икки тармоққа тегишли.

20 ноябрь куни, расмий ташриф билан Италия Республикасига жўнаб кетар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистларга берган интервьюсида шуларни алоҳида таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўрта ва кичик тадбикорликни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгалигини ва мазкур давлат тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлигини айтди.

— Италия билан ўзаро алоқаларимиз ҳар томонлама тобора ривожланиб бормоқда, — деди Президент. — Италия раҳбарларининг юртимизга ташрифи, Ўзбекистон раҳбарияти делегацияларининг Италияга сафарлари асносида кўплаб ҳужжатлар имзоланган, ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган.

Хусусан, ҳозир юртимизда олтмишдан ортиқ Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш билан шуғулланаётир.

Ислом Каримовнинг Италияга бу галги — иккинчи расмий ташрифи чоғида ўнга яқин ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар, асосан, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, террорчилик ва наркобизнесга қарши ҳамкорликда кураш бўйича ҳам ҳужжат имзолаш режалаштирилган. Ташриф доирасида Италиянинг янги раҳбари Президент Карло Адзелио Чампи, шунингдек, ҳукумат ва парламент аъзолари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.

Интервью сўнггида мамлакатимиз раҳбари ўзининг Италияга мазкур ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди. Зеро, президентимиз таъкидлаганидек, Италия томони ҳам Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга катта қизиқиш билан қарамоқда.

■ **Равшан МАҲМУДОВ, ЎзА мухбири**

Суратда: Италияга жўнаш олдидан.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

Экспорт — мамлакат таянчи

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта толасини экспорт қилиш йил сайин ортиб бормоқда. Бу йил АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Россия, Корея каби мамлакатларга экспорт қилиниши диққатга сазовордир.

Жорий йил ҳосилидан «Пахтасаноатсотиш» тизимига қарашли пахта қабул қилиш масканлари томонидан жами 161828 тоннадан ортиқ пахта қабул қилинди. Шундан 45140 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 14576 тонна сифатли тола олинди.

— Келгуси йил ҳосили учун «Оқдарё — 6» «С-90Х70» ва «Омад» сингари ғўза навларининг чигитидан 19 минг тонна уруғлик тайёрлаш мажбуриятини олганмиз, — дейди вилоят «Пахтасаноатсотиш» бошқармаси бошлиғи Облаёр Сулаймонов.

Вилоятдаги мавжуд 9 та пахтани қайта ишлаш корхоналари бугунги кунда икки-уч сменада ишламоқда.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

Йил ой кун

ЭЛЧИНИНГ АНДИЖОНГА ТАШРИФИ

Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нартин Хеккер Мартин бошчилигидаги делегация Андижонга ташриф буюрди. Меҳмонлар вилоят ҳамда Андижон шаҳар ҳокимлигида қабул қилиндилар. Мамлакатлараро иқтисодий, маданий ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масаласида фикр алмашдилар. Элчи ва унинг ҳамроҳлари Андижон тиллар педагогика институтида ҳамда иқтисодиёт ва муҳандислик институтида бўлдилар. Ёшларнинг ўқиши билан қизиқиб, таълим тизими билан танишдилар.

— Элчилик фаолиятимнинг бошидаёқ Андижонга келдим, — дейди Мартин Хеккер жаноблари. — Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан Германиядаги университетларнинг ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга арзирли ҳисса қўшиш ниятидаман.

Элчи ва унинг ҳамроҳлари Андижоннинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

БАЙРОҒИМИЗНИ ҲИЛПИРАТИБ

Тошкентдаги солиқ коллежи устоз-мураббийлари-ю ёшлари 2-курс талабаси Мансур Тўраевни ғалаба билан қутлашди.

Мансур Тўраев Кипр давлатида 25 октябрдан 15 ноябргача таэквандо бўйича бўлиб ўтган Евроосиё чемпионатида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. У 63 килограммли вазнда ғиламга тушиб, Туркия, Кипр, Югославия, Россия, Германия, Италия ва Малайзия спортчилари билан беллашди. У финалда туркиялик курашчи устидан ғолиб келди. Мансур шунингдек, кумуш медали ва яхши техник ҳаракати учун кубогини ҳам қўлга киритди. Ғолиб шарафига Ўзбекистон давлати байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

■ **Жамила ТЕМИРОВА**

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

501 газета, — 160 журнал нашр этилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида даврий нашрларни қўллаб-қувватлаш ва обуна масаласида имтиёзлар тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг бажарилиши, жойларда обуна мавсумининг бориши, муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечимлари хусусида мулоқот бўлди.

«Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад «Ғунча» ва «Гулхан» журналларининг 1999 йилги 11-сони Сурхондарёга 2000 йилнинг июль ойида етиб борганлиги ҳақида куюниб гапирди.

Хуллас, газета ва журналларнинг ўз вақтида етиб бориши обунанинг муваффақиятини белгилайди.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли**

САВОЛ ЖАВОБСИЗ ҚОЛДИ

Куни кеча Миллий матбуот марказида Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги бўйича ўтказилган анжуманларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Анжуманда олимлар, дипломатик корпус вакиллари, диний идора ходимлари, журналистлар иштирок этишди.

Икки буюк алломага бағишлаб чиқарилган китоблар, олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди. Журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Йиғилишда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Мухбирнинг, «Қадимда биздан олиб чиқиб кетилган меросларимизнинг асл нусхаси бўлмаса-да, кўчирма нусхаларини ўзимизга қайтарилишини хорижий давлатларда ўйлаб кўриляптими?» қабилидаги саволига иштирок этган чет эллик вакиллар тўлиқ жавоб қайтаришолмади. Демак, ушбу мавзу қайтишга арзигулик.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

АЛМАШЛАБ ЭКИШ САМАРАСИ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда, дунё мамлакатларидан фарқли ўлароқ, янгича ёндашиш зарурати мавжуд ва бу йўлда саъй-ҳаракатлар бошланмоқда.

Шўролар даврида бир гектар суғориладиган ерга солинган кимёвий оғуларнинг миқдори қуйидагича эди:

Америка Қўшма Штатларида — 1 кг.

Собиқ СССР республикаларида — 2 кг.

Ўзбекистонда — 53,5 кг.

Аҳоли орасида кўпайиб бораётган касалликларнинг бош сабаби ҳам шундан эмасмикин?..

Кимёвий оғуларнинг қолдиғини, одатда тупроқдаги микроорганизмлар емириб, парчалаб йўқ қилади. Аммо тарихимизнинг кечаги 75 йили мобайнида деҳқончиликда фақат истеъмолчилик тизими таркиб топгани сабаб тупроқларимиз унумдорлиги заҳирасининг 30 фоизи хароб бўлгани учун ундаги экологик мувозанат бузилиб, микроорганизмларнинг кўпчилиги қирилиб кетди. Оқибатда тупроқларимизнинг биологик хусусияти ёмонлашиб кетганлигидан ҳосилдорлик пасайиб, сифати бузилди. Юқори ҳосилдорликка эришишнинг асосий йўли — тупроқ унумдорлигини, унинг бузилган экологиясини қайта тиклашдадир.

Республика қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган органик ўғитлар ресурслари меъёридан 25-30 маротаба камлиги сабабли улар эвазига тупроқ унумдорлигини, бузилган экологиясини қайта тиклаб бўлмайди. Бунга фақат 10 далалик пахта-бедадон алмашлаб экишнинг қуйидаги тизимларини жорий қилиш эвазига эришиш мумкин.

I. Шўрланган, унумдорлиги паст тупроқлар учун алмашлаб экишнинг 1:3:2:2:2 схемасини тавсия қиламан (1-дала — мелиоратив дала; 3-дала — беда; 2-дала — пахта; 2-дала — дон; 2 дала — пахта). Бундай алмашлаб экишда пахта салмоғи — 40 фоиз, беда салмоғи — 30 фоиз, дон салмоғи — 20 фоиз, мелиоратив дала унумдорлиги 10 фоизга ошади.

II. Юқори сифатли, шўрланмаган ўтлоқ тупроқлар учун алмашлаб экишнинг 3:4:1:2 схемасини тавсия қиламан (3-дала — беда; 4-дала — пахта; 1-дала — дон; 2-дала — пахта). Бундай алмашлаб экишда пахта салмоғи — 60 фоиз, беда салмоғи — 30 фоиз, дон салмоғи — 10 фоизга ошади.

III. Қолган тупроқлар учун алмашлаб экишнинг 3:3:2:2 схемасини тавсия қиламан (3-дала — беда; 3-дала — пахта; 2-дала — дон; 2-дала — пахта). Бундай алмашлаб экишда пахта салмоғи — 50 фоиз, беда салмоғи — 30, дон салмоғи — 20 фоизга ошади.

Ҳозирги даврда ривож топаётган фермерларимиз ўз хўжаликларида тавсия қилинаётган алмашлаб экишни жорий қилиш негизида иш юритишлари учун уларга ажратиладиган экин майдонини камида 500-600 гектаргача ошириш даркор.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли илмий-ишлаб чиқариш марказининг директор ўринбосари Мансурбек Султоновнинг айтишича, Америка Қўшма Штатларининг қишлоқ хўжалигида пахта ишлаб чиқарадиган фермер оқилона алмашлаб экиш негизида иш юритади-ю, аммо ўзи чорвачилик билан шуғулланмайди. Алмашлаб экишни жорий қилиш оқибатида етиштириладиган ем-хашакни асраб-авайлаб, махсус чорвачилик билан шуғулланадиган фермерга сотади.

АҚШ қишлоқ хўжалигидаги бу тажрибани тўғри, деб ҳисоблайман. Чунки деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам фақат мутахассис қалби билан сезиладиган, муҳим, нозик томонлари мавжуд. Фермерларимизнинг меҳнатлари замон талабига жавоб берадиган даражада самарадор бўлиши учун шу илғор тажрибадан фойдаланишимиз зарур.

■ **Қурбон РОЗИҚОВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди**

ТАБИАТ ВА ИНСОН

«ЭКОСАН» ТАШАББУСКОРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Энди атроф-муҳитни яхшилаш учун курашга отланмоқчи бўлган ташаббускорлар бу эзгу ишни ўз ишхоналарида ташкилий равишда бошлаш имконига эга бўлдилар. Бу ҳаракат расмий равишда «ЭКОСАН» бошланғич ташкилоти деб аталади. Ва бунинг учун сиз ишлаётган жамоада сизга ўхшаган табиат муҳофазачиларидан икки-уч киши бўлса етарли: «Жамоанинг энг камида уч аъзоси «ЭКОСАН» бошланғич ташкилотига аъзо бўлиш истагини билдирган тақдирдагина «ЭКОСАН» бошланғич ташкилоти тузилиши мумкин, («ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг бошланғич ташкилот ҳақидаги тавсияномасидан).

Ушбу бошланғич ташкилотга халқаро жамғарманинг белгиланган намунадаги сертификати топширилиши эса унга атроф-муҳит мусаффолиги учун курашда расмий мақом беради.

Хуллас, «ЭКОСАН» жамғармасининг ташаббуси ҳақиқатда ибратли, долзарб ва юртимизнинг гўзал табиатини асраб-авайлаш йўлида умумжамоатчилик учун йўналиш бўла олади. Масала энди бу ташаббусни жамоатчилик томонидан амалий қўллаб-қувватланишида.

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси бошқарувининг йиғилишида фақат юқоридаги ташаббус тавсияларигина муҳокама қилингани йўқ. Шунингдек, йиғилишда Халқаро жамғарманинг республикамиздаги экологик муаммолар борасида юритаётган ишларининг ҳисоботи тингланди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти вакиллари «ЭКОСАН» йўналиши бўйлаб келаётган инсонпарварлик ёрдамлари қандай тақсимланаётгани ва сарфланаётгани ҳақида ҳисобот бердилар. Шундай ҳисобот билан Фарғона ва Навоий вилояти вакиллари ҳам сўзга чиқишди.

Албатта, ҳисоботларни тинглаш билангина «ЭКОСАН»чилар амалга ошираётган ишларни кўз олдимизда муфассал гавдалантиролмаймиз. Бироқ бир нарса аниқ: бутун жаҳон бугун соғлом, мусаффо табиат учун курашаётган экан, бу бежиз эмас. Келажак биз яшаётган табиатнинг мусаффолигига, унинг ҳалдан ортиқ тоталмаслигига ҳам боғлиқ.

■ **Малик БОБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



■ **Владимир ПАНОВ олган сурат**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

«СУДЛАНГАН ОДАМ ОРГАНДА ИШЛАСА...»

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси топшириғига асосан, фуқаро А. Шерановнинг Сирдарё вилояти божхона бошқармасига А. Бийтўраев муқаддам судланганлигини яшириб, ишга кириб олганлиги ҳақидаги аризаси юзасидан Республика давлат божхона қўмитаси томонидан текширув ўтказилди.

Мазкур текширув натижаларига кўра, 2000 йил 7 октябрь куни ЎзР ДБҚ раисининг ўринбосари Ш. Раимов тасдиқлаган хулосага асосан, ариза муаллифининг келтирган важлари ўз исботини топганлиги учун А. Бийтўраевни божхона идораларидан бўшатилиши тўғрисида вилоят ДББ раҳбариятига кўрсатма юборилди.

Бундан ташқари, Республика давлат божхона қўмитаси томонидан хизматга олинувчи номзодларни ҳар томонлама, синчиклаб ўрганиб чиқиш ва улар тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўплаш лозимлиги ҳақида вилоят давлат божхона бошқармаси раҳбариятига тегишли топшириқ берилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. ЭРГАШЕВ**

ҚОРА ҚИЛМИШ

ФЕРМЕРНИНГ «ЎЙИНИ»

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар йўлига тўғаноқ бўлаётган текшир-текширлар, бюрократик тўсиқларга зарба берувчи қарорлар чиқарилди. Энди тадбиркорнинг фаолиятига бўлар-бўлмасга аралашавериш ҳолати бирмунча камайди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор эркин фаолият юргизадиган бўлди. Аммо бу эркинликдан ўз жиғилдони йўлида фойдаланиб, уни суиистеъмол қилувчилар ҳам учраб турибди.

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани С. Сиддиқов ширкат хўжалигидаги «Хуршид» фермер хўжалиги «Оқолтин» пахта тозалаш корхонаси билан 2000 йил ҳосили учун 12 гектарга пахта экиб, жами 34 тонна ҳосил топшириш ҳақида шартнома тузган эди. Шартномага асосан пахта тозалаш корхонаси томонидан фермер хўжалигига жами 378800 сўм миқдоридаги пул маблағи ҳам аванс тариқасида берилди.

Аммо Қобилов Обиджон раҳбарлик қилувчи «Хуршид» фермер хўжалиги томонидан пахта тозалаш заводига ҳадеганда пахта тушавермади. Йил якунланаяптики, шартномада кўрсатилган 34 тонна у ёқда турсин, 1 кило ҳам «оқ олтин»нинг қораси кўринмади. Текшириб кўрилганда фермер Қобилов Обиджон 12 гектар ер майдоннинг 6 гектарига шартномага хилоф равишда полиз экинлари экиб юборган. Қолган 6 гектардаги пахта териб олинган бўлса-да, негадир пахта заводига топширилмаган. Оқибатда «Хуршид» фермер хўжалиги томонидан «Оқолтин» пахта тозалаш корхонаси билан тузилган шартнома умуман бажарилмасдан, давлатга кўп миқдорда зарар етказилди.

Хуллас, шартнома шартларини «ўйин» билган фермернинг «баҳо»сини энди суд ҳал қилади.

■ **Абдувоҳид ҚАЮМОВ, Оқолтин туман прокурорининг ёрдамчиси, Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121
«Осиё бозори» — 174

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: САЙЛОВЛАРДАН КЕЙИНГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

1999 йилдаги парламент сайловлари мамлакатимизда демократиянинг қарор топиши ва ривожланишида янги қадам бўлди. Сайловлар натижалари сайловчиларнинг юксак фаоллигини, уларнинг, ўз сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқариш орқали, давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этишга қизиқиши тобора ортаётганлигини кўрсатди. Шу тариқа, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига бўлган сайловлар Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш тамойилларига содиқлигинигна эмас, балки, ана шу қоидаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлигининг яна бир ёрқин намойиши бўлди.

Ўзбекистон ХДПнинг, унинг сайлов муносабати билан, ўз олдига қўйган мақсадлари нуқтаи назаридан, 1999 йилги сайловларда эришган натижаларини, биз, умуман, қониқарли, деб ҳисоблаймиз. Партиямизнинг мамлакат Олий Мажлисида 50 та депутатга эга бўлиши, унга, ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун, энг йирик парламент фракцияларидан бирини тузишга имкон берди. ХДП вакиллари барча маҳаллий Кенгашлар депутатлари умумий сонининг 37,4 фоизини ташкил этди.

Сайловлар ўтиши биланоқ, Ўзбекистон ХДП марказий идораларининг асосий эътибори партиямиз **парламент фракциясининг фаоллиги ва ташаббускорлигини** ҳамда унинг Олий Мажлис қонун чиқарувчилик ишидаги иштирокининг самарали бўлишини таъминлашга қаратилди.

Фракциямизнинг мазкур ишдаги дастлабки қадами, бошқа сиёсий партиялар фракциялари каби, мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқида баён этилган, фаолияти устуворликлари бўйича, вазифаларни адо этишга оид, қонун яратувчилик таклифларни тайёрлашдан иборат бўлди. Шу мақсадда, фракциямиз аъзолари ва экспертлар бунинг учун парламент Кенгаши томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари фаолиятида фаол иштирок этдилар. Ўзбекистон ХДП фракцияси номидан, янги қонун қабул қилиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан, жами бўлиб, салкам 50 тага яқин таклиф киритилди. Уларнинг кўпчилиги парламент иккинчи сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2000-2002 йилларга мўлжалланган, қўмиталар ва комиссиялар қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликларида эътиборга олинди.

Мазкур ҳужжатда, парламент томонидан кўриб чиқилиши белгиланган, кўпдан-кўп қонунлар ва қарорлар лойиҳалари давлат ва ижтимоий ҳаётнинг (Ўзбекистон ХДП Дастурида улар юзасидан партиянинг аниқ қарашлари баён этилган) энг муҳим муаммоларини қамраб олади. ХДП фракциясининг ушбу муаммолар бўйича ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишдаги қатъиятлиги ва изчиллигини партия Дастури ва унинг сайловолди сиёсий ҳужжатидаги асосий устуворликларни рўёбга чиқаришнинг асосий омили, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакат **бюджет тизимининг** таъсирчан ишлаши масаласи биз учун мазкур йўналишдаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ўринда, фракциямиз иккита муҳим масалани ўз олдига қўймоқда.

Биринчидан, бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлашни ёқлаб чиққан ҳолда, биз, айни чоқда, **бюджетга солиқ тўловларининг тушишини кўпайтириш,** амалдаги солиқлар ставкаларини ошириш ва янгиларини жорий этиш ҳисобига эмас, балки, юридик шахслар ва хусусий тадбиркорликнинг **ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини фаоллаштириш ҳисобига** юз бериши лозим, деб ҳисоблаймиз. **Кейинги пайтларда юридик шахсларни солиққа тортиш миқдорларининг пасайишидаги тадрижийликни қўллаб-қувватлаган ҳолда, биз бундай ҳолатнинг аҳолини тўғридан-тўғри ва қўшимча солиққа тортишнинг даражасига нисбатан ҳам рўй беришига қатъиятлик билан эришиш ниятидамиз.**

Иккинчидан, биз халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг бевосита ҳаётий таъминоти билан боғлиқ, бошқа қатор соҳаларни бюджет томонидан тўлақонли молиявий таъминланишини бюджетнинг чиқим қисмини шаллантиришнинг энг муҳим талабларидан бири деб, **ҳисоблаймиз. Ҳар қандай ноқулай вазиятда ҳам** мазкур тармоқлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар, бюджет харажатларини тежаш баҳонасида қисқартирилмаслиги лозим. Аксинча, мамлакат иқтисодий қудратининг ошиши даражасига қараб, мазкур соҳаларнинг бюджетдан молиялаштирилиши кенгайиши зарур, тоинки, оилавий бюджет зиммасига тушаётган катта харажатлар (мисол учун, болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш учун сарфлаётган катта маблағлар) оғирлиги изчил камайиб борсин.

Айни шу нуқтаи назардан, биз, мамлакат Давлат бюджетининг 2001 йилга мўлжалланган лойиҳасини кўриб чиқиб, экспертларимиз томонидан тайёрланган таклифлар ва мулоҳазаларни Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасига тақдим этдик. Қатор мулоҳазаларимиз эътиборга олинди. Қолганлари бўйича, биз, кенгайтирилган таклифларни, уларни ХДП фракциясининг мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаяпмиз. Фракция мажлиси, қарор топган амалиётга кўра, парламентнинг навбатдаги, IV сессияси арафасида бўлади.

Сиёсий партияларнинг парламент демократияси тизимидаги аҳамиятини ошириш тўғрисидаги масалани ҳам ўзимиз учун ўта муҳим ҳисоблаймиз. Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг сиёсий ҳилма-ҳилликни ривожлантириш, кўппартиялиликни қарор топтириш ва шу асосда, мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимини такомиллаштириш учун зарур ҳуқуқий шароитларни шакллантиришга қўшган ҳиссасини ижобий баҳолаш билан бир қаторда, биз, **сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик янада мукаммаллаштирилиши** лозим, деб ўйлаймиз.

Бу, энг аввало, эркин демократик ривожланиш йўлидан изчил бораётган мустақил Ўзбекистон эришган натижалар билан боғлиқ. Тараққиётнинг ҳозирги босқичдаги аҳоли онгли сиёсий фаоллигининг ўсиши, нуфузли сиёсий партияларнинг қарор топиши, уларнинг, ривожланган демократик давлатларда бўлганидек, парламент демократияси институтларини шакллантириш ва фаолият кўрсатишида белгиловчи омиллардан бирига айланаётганлиги мазкур ҳаракатнинг ҳаётий зарурлигини белгилайди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов парламент зътиборини ана шу масалага бир неча бор қаратиб, айни кезда, сиёсий партиялар фракцияларини ўз фаолиятларида қатъиятлилик, фаоллик ва ташаббускорликни намоён этишга даъват қилганди. Модомики шундай экан, бизнингча, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилик ҳам уларнинг хилма-хил ижтимоий-сиёсий ва парламентчилик фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантирмоғи лозим. Бу фаолиятни амалга оширишдаги шарт-шароитларда ривожланган демократик давлатларга хос бўлмаган чекловларга ўрин бўлмаслиги керак. Ушбу тамойилий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фракциямиз парламентда сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни, жаҳонда умумқабул қилинган, демократик меъёрлар ва қоидаларга, мумкин қадар кўпроқ, мослаштиришга изчиллик билан эришиш ниятида.

Шу муносабат билан, Олий Мажлис учинчи сессиясида, биринчи ўқишда маъқулланган, «Қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан, ўз таклифларимиз мажмуини тайёрламоқдамиз. Афсуски, бу ҳужжатда сиёсий партиялар фракциялари диққат-эътибордан четда қолдирилган (бизнинг назаримизда, бу мутлақо ўринсиз). Қонун лойиҳаларининг на муҳокамасини ташкил этишда, на уларнинг натижаларини умумлаштиришда ва на бирорта бошқа шаклда сиёсий партиялар фракциясининг иштироки унда кўзда тутилмаган. Фракциямизнинг, ушбу масалалар юзасидан тайёрланган ва Олий Мажлиснинг тегишли тузилмасига юборилган, таклифлари мазкур Қонун лойиҳаси кўриб чиқилишида эътиборга олинмаганлиги ҳам бизни ажаблантиради. Шу боис, биз, ўз таклифларимизни ҳимоя қилишда қатъиятлиликни намоён этган ҳолда, уларни Қонун лойиҳасининг сессиядаги иккинчи ўқувдаги муҳокамаси чоғида киритмоқчимиз.

Ўзбекистон ХДП, фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларининг мақоми, ҳуқуқи ва масъулиятини янада ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Очиқ-ойдин айтиш керакки, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари вакиллик доирасига кирувчи кўпдан-кўп масалаларда уларга Конституция ва қонунлар томонидан берилган ваколатлардан тўлақонли фойдаланмаётирлар.

Ҳамма жойларда ҳам давлат ҳокимиятининг уч тармоғи: вакиллик, ижроия ва суд идоралари ўртасидаги, Конституцияда кўзда тутилган, мувозанати таъминланилмаётганлигини кўриш қийин эмас. Ижроия ҳокимиятнинг, ҳокимлар ва уларнинг ижроия аппарати тимсолида, қўли баландлиги ва аксинча, депутатлар корпусининг очиқданочиқ сусткашлиги ҳоллари учраб турибди.

Фракциямиз, парламентда тегишли масалаларни қўйишнинг ташаббускори бўлиши билан бирга, партиянинг парламентчилик фаолиятини, минтақавий ва маҳаллий (муниципиал) даражаларда, кескин ошириши ўзининг ушбу йўналишдаги асосий вазифаси, деб билади. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ва барча халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида, партиямиздан сайланган 2250 дан ортиқ депутатни бирлаштирувчи, ЎзХДП депутатлик гуруҳларини ташкиллаштириш ва рўйхатга олиш, асосан, якунланди.

Биз ХДП депутатлик гуруҳларини маҳаллий Кенгашлар сессияларида одамлар қундалик ҳаётда тўқнаш келаётган муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда фаол, дадил ва қатъиятли бўлишга йўналтирмоқдамиз, чорламоқдамиз.

Шундай долзарб масалалардан бири — уй-жой, коммунал ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш учун тўловларнинг, ушбу хизматлар сифати паст бўлган ҳолда, тобора ошаётганлигидир. Сир эмаски, кўпгина туманлар ва шаҳарларда маҳаллий бюджетлардан умумтаълим мактаблари, касалхоналар ва поликлиникалар етарли даражада молиялаштирилаётгани йўқ. Бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий соҳаларга тегишли бинолардан фойдаланиш ва таъмирлаш харажатлари қоплана олинмаётганлиги, бу ва мазкур соҳанинг бошқа муассасаларини, демакки, қонунчиликка мувофиқ, бепул бўлган хизматларни, қисман, уларга аҳолининг пул маблағларини жалб этиб, пуллик тармоққа айланишга мажбур этаётир. Кўпгина минтақаларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш масаласи кескин муаммо бўлиб қолмоқда.

Ушбу масалалар, қонунчиликка мувофиқ, жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари ваколатига киради. Партиямиз, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўз депутатлик гуруҳларига таянган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг айни шу бўғинларида уларнинг ўз вақтида ва тўлақонли ечимини топиш учун изчиллик билан курашмоқчи.

Биз ХДПнинг парламент фракцияси ва депутатлик гуруҳларининг барча даражадаги партия сайланма органлари ҳамда партия ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракатларининг самарадорлигини оширишга эътиборни кучайтирамиз. Партиямиз барча таркибий бўғинларининг эътибори депутатларимизнинг ўз сайловчилари билан мунтазам учрашувларини таъминлаш ва депутатлик ваколатларини амалга оширишларида уларга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган. Мазкур чақириқда, 1994 йилдаги сайловлардан сўнг ўзини яхши намоён этган, Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари қошидаги, жамоатчилик асосидаги, депутатлик қабулхоналарини ташкил этиш амалиёти янада кенг қулоч ёзади.

Жамиятимиз демократик ривожланишидаги мазкур босқичда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фақат ўз доираси билан чекланиб қолиш ниятида эмас. Биз мамлакатимизнинг, Конституция ва қонунлар асосида фаолият кўрсатаётган, жамики ижтимоий-сиёсий кучлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш учун янада очиқроқ бўлишга интилмоқдамиз. Чунончи, жорий йилнинг 3 ноябрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Биз учун, узоқ муддатли, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қўйилган, ушбу амалий қадам ХДП ва «Экосан» жамғармаси дастурий мақсадларининг умумийлиги билан чекланиб қолмайди. Партиямиз экологик сиёсат соҳасида ҳам ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш ниятидадир.

Ривожланган демократик мамлакатларда ушбу масалани ҳал этиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биз, шу мақсадларда, парламент фаолиятининг хилма-хил шаклларидан кенг фойдаланмоқчимиз. Шу муносабат билан, биз, «Экосан» жамғармасининг атроф-муҳит ва аҳоли соғлигини муҳофазалаш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун яқинда Олий Мажлис депутатлари гуруҳи — бизнинг парламент фракциямиз аъзолари ташаббуси билан тузилган, депутатлар Ассоциацияси ишини йўлга қўйишга катта аҳамият бермоқдамиз. Биз Олий Мажлисдаги бошқа депутатлик фракциялари ва блоклари аъзоларини, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик идоралари депутатларини ушбу жамоатчилик ташаббусига қўшилишга даъват этамиз.

Мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг табиий асоси — жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувлик муҳитини асраб-авайлаш Ўзбекистон ХДП Дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Партиямиз ўзи ташкил топган пайтдан бошлабоқ, жамиятдаги барча соғлом кучларнинг ана шу муҳим йўналишдаги куч-ғайратларини бирлаштиришни ёқлаб чиқмоқда. Биз мазкур соҳадаги, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, чинакам ватанпарварларни тарбиялаш, фуқаролик жамиятини жипслаштириш каби вазифаларни ҳал этишда турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг сиёсий рақобатини ва мусобақалашишини ноўрин, деб ҳисоблаймиз.

Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Халқ демократик партияси шу йилнинг сентябрь ойи бошида сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларга мурожаат қилиб, мамлакат етакчи ижтимоий-сиёсий кучларининг саъй-ҳаракатларини, Ўзбекистондаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш йўлида, бирлаштириш тўғрисидаги таклиф билан чиқди. Юртимизнинг барча сиёсий партиялари, етакчи жамоат ва диний бирлашмалари ташаббусимизни маъқуллаб чиққанликларини мамнунлик билан таъкидлаймиз. Бунинг натижасида, 2000 йилнинг 12 сентябрида, **«Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз» шиори остидаги, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича, Ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлари дастури имзоланди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича бугунги фаолиятимизнинг асосий йўналишлари, қисқача, шулардан иборат. Албатта, биз, 1999 йилда сайланган парламент ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари фаолиятининг бошланғич палласида турибмиз. Сайловолди Сиёсий дастуримизни амалга оширишдаги ишимиз эндигина ривожланмоқда. Лекин, демократик дунёда шундай ҳақиқат маълумки, навбатдаги сайлов мавсумида ютуққа эришиш учун кураш бўлиб ўтган сайловлардан кейинги кунданоқ бошланади.

Шу боис, Ўзбекистон ХДП ўз парламент фракцияси, жойлардаги депутатлар гуруҳлари фаолиятининг, аввалбошданоқ, фаол, ташаббускор, замон талабларига, шаклан ва мазмунан, жавоб берадиган бўлишига интилмоқда. Зеро, ХДПнинг, аҳоли ҳаётий манфаатларини ўзида акс эттирган, унинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган, ушбу ўзанлардаги фаолиятининг аниқ натижаларигина одамларни партиямизни қўллаб-қувватлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларида бош омил ҳисобланади. Бу — жонажон Ватанимиз халқига садоқат билан хизмат қилишдек, унинг энг яхши истиқболининг ишончли гаровидир.

■ **Изидор КОЧМАРИК,**
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси раиси

АЎСТДАН

Куни кеча юртбошимизнинг сўзбошиси билан нашр этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» рисоласида миллий истиқлол, миллат манфаати, ватан равнақи, буюк келажагимиз ҳақида баён этилган фикрларни ўқиб, миллатим ўзбек бўлганлигидан қувониб Тангрига мингминг шукроналар айтдим.

Қувонч кишига бепарволик эмас, қувват, ғайрат бағишлайди. Бу рисолада баён этилган эзгу ниятлар жиддий хулосалар чиқаришга, ўзбеклигимизнинг қадрига етиш ва унинг кимлигини англашга ундайди.

Дарҳақиқат, ўзбек ким? Мен нима жавоб қилган бўлардим?

Бошдан кечирганларим, тарихимни ўйлаб кўрсам, тун ила тонг.

Ўзбек кимлигига тарих саҳифаларидан жавоб излаб ўтирмайман. Айтадиган бирдан-бир жавобим — Алишер Навоий бўлади. Негаки, ўзбек халқида «Сен қилган хизмат фақат ўзингнинг фойданггамас, бошқалар манфаатига ҳам хизмат қилсин» деган нақл бор.

Ҳали араб, ҳали форс тиллари юртимизда ҳукмрон бўлган бир вақтларда ўзбек тилида ёзилган асарлари билан ўзбеклигимизга, ўзбекнинг кимлигига ўчмас муҳр босиб қолдирган Навоий бўлди-ку! Мана халққа хизмат! Ўзбек халқи маънавий хазинасига Ибн Сино, Бобур каби ўлмас мерос қолдирган улуғ даҳолардан бири ҳам Навоий бўлган-ку!

Мана, ўзбек!

Ўзбеклар нон топса, меҳмонга қўйган,
Битта дўст орттирса, қувонган бу халқ.
Илм, маърифатни дунёга берган,
Баҳри кенглигига суянган бу халқ.

Ўзбекман деб фахрланиш, унинг номини дунёга чиқариш муҳаббат ва садоқат билан қилинган кичик ишлар ҳам ўз халқининг шаънини улуғлаш учун етарли бўларкан.

Кўпчиликка маълумки, номимизни дунёга таратган буюк аждодларимизнинг табаррук номлари, улар қолдирган мерос билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу бизнинг бахтимиз! Лекин гап шундаки, биз бугун улардан қандай ибрат оляпмиз?

1938 йилда халқ душмани бўлиб отилиб кетган Убайдуллахўжага, отаси Асадулла махсум шундай деган эканлар:

— Ўғлим, ўлмасдан қамоқдан чиқиб келдинг. Умрингни кўпи қамоқда ўтди. Энди шукр қилиб яша, деганда Убайдуллахўжа:

— Ота, узилиб тугун тушган жойда, тўхташ бўлади. Бугун биз курашни тўхтатсак, авлодларнинг озодлик учун курашини эсларидан чиқарган бўламиз, — деган экан.

Мана ўзбек!

Мана келажагимиз, Истиқлолимизнинг шунчалик қайғуси баъзиларда борми?

Ахир, биз мустақил Ватан, янги мафкура эгаси **Ўзбеклармиз**! Бу мафкура собиқ совет тузуми ғояларидан бутунлай фарқ қиладиган, унинг сиёсатига зид янги мафкура! Мустақил, ўз қомусига эга эркин давлатнинг мафкураси бу! Бу — ер билан осмонча фарққа эга мафкура!

Ўз қадрини, ўз ҳурматини билган ўзбек фақатгина битта. Мана шу учун ҳам Тангрига, Истиқлолга минг-минг шукроналар айтса кам.

Мана тўққиз йилки, мен ўзбекман дея оладиган бўлдик. Бошимизда мустақил Ўзбекистоннинг миллий байроғи ҳилпирай бошлади. Ўз мафкурамизга эга бўлдик. Бизнинг мафкура — буюк саркарда Темур, буюк шоир Алишер шон-шавкатига муносиб келажакка интилиш! Бу айтишга осон. Бунга ширин хаёллар билан ўзимизни овутиб эришиб бўлмайди.



Шароф Рашидов туманидаги Пахтаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бундан уч йил олдин қолоқлар сафига тушиб қолган эди. Аввал жамиятга малакали мутахассислар жалб этилиб, иш тўғри йўлга қўйилгач, тола ишлаб чиқариш сифати яхшиланди. Бу ерда ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 25000 сўмни ташкил қилади. 1999 йилни корхона фойда билан якунлаб, ҳар бир акцияга 11 минг сўмдан ошиқ дивиденд берилди.

Бундан ташқари ўтган йилги ҳосилнинг 97 фоизи, яъни 4738 тоннаси Англия, Франция, Швейцария, Италия, Жанубий Корея каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Айни пайтда корхонада 4 та пахта тозалаш ва қуритиш агрегати тиним-сиз ишлаб турибди. Корхона жамоаси бу йилги маҳсулотни ҳам хорижга экспорт қилиб, юксак даромад олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Суратларда: *1. Пахта қуритиш агрегати. 2. Корхонанинг энг кекса ишчиси Алай Мария. У киши бу ерда 30 йилдан буён меҳнат қилиб келади.*

■ **Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

Хатлар
Хатлар
Хатлар

«ДЕВОР БОСИБ ҚОЛГАНМИ, Ё?..»

Синглим Ҳалимани девор босиб қолди, деганда кўргилик дедик. Биласиз, мусулмончиликда ўликни ювиб, сўнгра кафанлаб кўмишади. Ҳалимани ювишда мен ҳам қатнашдим — унинг сочлари қип-қизил қонга бўялган. Бош суягининг орқа томони ичкарига кириб кетган эди, худди бошига қаттиқ нарса билан урилгандек. Ювувчиларнинг ҳаммасида бу ҳолат уни девор босиб қолганлигига шубҳа уйғотди.

Лекин Ҳалима тиббий кўрикдан ўтказилмасдан, ҳуқуқ-тартибот органларига хабар берилмасдан кўмиб юборилди. Тўғрисини айтиб қўяқолай, менинг шубҳам куёвимиз Мусурмонқулдан. У кўпинча спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда юради, хотинига азоб берган пайтлари кўп бўлган. Демак...

Мен туман прокуратурасига ҳам, вилоят прокурорининг ўринбосари А. Шамсиқуловга ҳам мурожаат қилдим. Улар «синглингизнинг ўлимида бирор кишининг жиноий ҳаракатлари йўқ», дея жавоб беришди. Текширмаган бўлса, ювишда иштирок қилганлар билан сўзлашмаган бўлса, жиноий ҳаракатлар йўқлигини қаердан билиш мумкин, ахир?

Менинг мақсадим ҳақиқатни аниқлаш. Уни юзага чиқаришда ёрдам беринглар.

■ **Зуҳра МУРОДОВА,**
Жиззах вилояти Бахмал тумани «Оқтош» қишлоғи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ОЛТИН ЮЛДУЗЛИ КОРХОНА

Шиддаткор замонда кечаги янгилик бугун эскирмоқда, ҳаёт эса тинимсиз ўзгаришда. Бундай ўзгаришу янгиланишларни англаш, ҳис қилиш зарурат. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши, айниқса, раҳбар замон билан ҳамнафас бўлиб, олисни кўзлаб иш юритмоғи лозим. Шу маънода сўнгги йилларда «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасига қарашли Самарқанддаги Жума таъмирлаш-механика заводида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳам ўзича бўлаётгани йўқ. Хўш, мазкур жамоанинг фаолият йўналиши нималардан иборат? Завод директори Собир Абдураимовнинг жавоби қуйидагича:

— Биз асосан пахта тозалаш заводларидаги асбоб-ускуналарни ўрнатиш, таъмирлаш, созлаш каби хизматларни кўрсатамиз. Техник-механик хизмат бўйича вилоятимиздан ташқари Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарёдаги пахта тозаловчи ҳамкорлар билан ҳам шартномалар тузилган. Шунингдек, мазкур корхоналарга эҳтиёт қисмлар, пахта толаси тойларини ўраш учун сим белбоғлар етказиб берилади. Тажрибали мутахассислардан иборат кўчма бригадамиз аъзолари пахта тозаловчиларга дастгоҳларни бир маромда ишлатишда яқиндан кўмак беришяпти. Қисқаси, заводимиз меҳнат аҳли пахтакорларимиз етиштирган саноат хомашёсини қайта ишлаб, уни юқори сифатда харидорларга етказиб беришда ўзларининг муносиб улушини қўшмоқда.

Мижозни кўпайтириш, ишни тез ва сифатли бажариш малакали мутахассису замонавий техника ҳамда технологияга боғлиқ. Биз завод цехларини қайта қуриш ва асбоб-ускуналарни янгилашга киришдик. Германиядан келтирилган ускуналар меҳнат унумдорлигини ошириб, сифатини анча яхшилашга имкон берди. Пировардда пахта толасидан тукли ва туксиз чигит ажратиб олувчи агрегатлар барабанлари, чигитни ажратишда ишлатиладиган арра дисклари, алюминий прокладка, қистирмалар, пресслаш дастгоҳи деталлари ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг ишлаш муддати ортди. Эндиликда жамоамиз пахта тозаловчиларга ҳар ойда 50 миллион сўм атрофида таъмирлаш ишларини бажариш билан бирга маҳсулот ҳам етказиб берятпти.

Излаган имкон топар деганларидай, Жума таъмирлаш-механика заводи бугунги кунда тараққиётнинг равон йўлига тушиб олган. Бунда, албатта, Юрий Вагонов, Сайдулла Сафаров, Акбар Пиров, Марат Фахриддинов, Йўлдош Самадов сингари ишчиларнинг хизмати катта.

Ишчилар ўртача 20 минг сўмдан маош олишяпти. Ўтган йил завод акциядорларига ҳар бир акция учун 916 сўм 90 тийиндан, жами 11 миллион 275 минг сўм дивиденд тўланди. Қолаверса, байрамлар ва бошқа маданий тадбирлар эсда қоларли қилиб ўтказилмоқда. Умуман, корхона аҳлини бир мақсад йўлида жипслаштиришиб, заводнинг юксалиш сари юз буришида интилувчан, изланувчан раҳбарнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, ҳар сонияда бир янгилик бўлаётган ҳозирги кун талаби билан яшаб, меҳнат қилиш кишидан чуқур билим, ташаббус ва оқил тадбир қўлламоқни тақозо этади. Испаниядан келган хушхабар ҳам фикримиз тасдиғи. Мадридда жойлашган Сифат бўйича халқаро конвенция директори Альфонсо Каселнинг Жума таъмирлаш-механика заводи директори номига йўллаган мактуби жамоа меҳнатига берилган муносиб баҳо, дейиш мумкин. Унда шундай сатрлар битилган:

«XVII халқаро конвенцияда Сифат Олтин юлдузига сазовор бўлган корхонангиз жамоасини юксак мукофот билан қутлащдан бағоят бахтиёрман.

Маълумингизким, Европа XVII халқаро конвенция кўрик-танловини ўтказишдан мақсад ўзларининг тадбиркорлик фаолияти билан сифат ва ишлаб чиқариш соҳасида юқори натижаларни қўлга киритаётган, уни янада яхшилаш борасида изчил иш юритаётган компанияларни тўплаш, кўрикдан ўтказиб тажрибасини ёйишдан иборат. Мадриддаги конвенциянинг Сифат бўйича директори ҳамда конвенция иштирокчиларининг бизнес тақдимоти президенти ва раиси сифатида шуни таъкидлашни истардимки, Олтин юлдуз корхонангизга фирмалар билан ҳамкорлик қилишда имтиёз беради, сифат бўйича янги ютуқларга ундайди. Сизни ушбу мукофотни қабул қилиш учун Мадридга таклиф этаман».

Шунақа гаплар. Собир Абдураимов ана шу мукофотни олгани Испанияга кетган.

■ **Равшан ШОДИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚУВОНГАН ХАЛҚ

Қийинчиликлар!.. Муаммолар!.. Лекин ҳаммасига чора ўз қўлимизда!.. Ўзбек шунақа халқки, тўйини йил бўйи тўхтатмайди. Тўй қиладиган бўлса қорга ҳам, ёмғирга ҳам чора топган халқ. Ахир, қуёш ҳар куни ярқираб чиқиб турмайди. Қийинчиликлар бўлади. Лекин тўйлар тўхтамайди. Орзу-ҳаваса етиш осон бўлмайди. Қувончи қувват бағишлайди.

Эзгу ниятларни амалга оширувчи ҳам, Лекин унга лоқайдлар ҳам бор. Албатта, Президент юртнинг ҳамиша обод бўлишини истайди. Шунинг учун ҳам эркинлик, фаровонлик учун жон қуйдирмоқда.

Мана ўзбек! Қомусимизда халқимизнинг манфаатига зид бирор модда бор дейдиган одам топилармикин? Имоним комилки, топилмайди.

1930-1940 йилларда нонга зор одамлар очарчиликдан, ҳатто қарғаларни отиб еганларининг гувоҳиман. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Тангрига шукрларким, одамлар ҳозир ҳар куни қази-қарта емасалар ҳам нонга, қозон қайнатишга зор эмас. Лекин айрим нуқсонлар сабаби нимада? Сабабчи ким? Сабабини ўзимиздан излаб кўрайлик.

Сифатсиз мол чиқариб бир-биримизни алдаётганимиз йўқми? Ҳақимизга ўз нафсини ўйлаб хиёнат қилувчилар йўқми? Дардимизга бефарқ ва амалпараст кимсалар-чи?

Қонуний талабимизни битириш ўрнига қўлимизга таъма билан қаровчилар йўқми? Бундайларнинг ёқасидан олиб шарманда қилиш ўрнига, мен пора бермасам, бошқа беради, қабилида иш тутиб пора олувчи — жиноятчилар пайдо бўлаётганига ўзимиз сабабчи эмасми?!

Қонуний нафақаларни вақтида почтадан олиб келиб бермасалар албатта, киши ранжийди-да. Лекин шунга ҳам давлат айбдорми?

Битта зирапча кирса, бутун баданингга алам киради.

Адабиёт соҳасида ҳам бир-бирини тушуниб-тушунмай ранжитишлар йўқ эмас.

«Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама», деган нақл бор. Ҳар биримиз ўзимизга ҳам назар солайлик. Ҳалолмизми? Оқибатлимизми? Инсофлимизми? Амал учун, ўз нафсимиз учун яшаётганимиз йўқми? Бу саволларни ўз-ўзимизга бериб кўрайлик. Нима деб жавоб қайтариш мумкин?

Хаёлимдан яқин таниш-билишларимни ўтказаман. Ўзимга ҳам шу саволни бераман.

Ўзбек кимлигини хаёлдан ўтказарканман, қўнглимдан бир ҳайқириқ отилди:

Ўлим ҳақлигини биламан мен ҳам,
Дунёда икки бор ўлмайди ҳеч ким!
Ўлим ҳақ эканми, ўн бор ўлсам кам,
Сенинг бахтинг учун севикли халқим!

Халқимиз дунёга ўлмас мерос қолдирган Навоий даврини, собиқ совет замонидаги зулм ва эрксизлик даврини бошдан кечирди.

Тарихимизни мен билган учинчи даври, бу — Истиқлол давридир! Бу Ватанга, халққа садоқат, ўзбек номининг буюк эканлигини дунёга намойиш этган давридир.

■ **ШУКРУЛЛО,**
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 21 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	163,34
1 Австрия шиллинги	19,49
1 Англия фунт стерлинги	446,84
10 Бельгия франки	66,50
1 Голландия гульдени	121,72
10 Греция драхмаси	7,89
1 Дания кроноси	35,97
1 БАА дирхами	85,49
1 АҚШ доллари	313,99
1 Миср фунти	82,20
10 Испания песети	16,12
100 Италия лираси	13,85
1 Канада доллари	202,00
1 Хитой юани	37,93
10 Люксембург франки	66,50
1 Малайзия рингити	82,64
1 Германия маркаси	137,15
1 Польша злотийси	68,72
1 СДР	402,96
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	45,12
1 Франция франки	40,89
1 Швейцария франки	175,94
1 ЕВРО	268,24
10 Жанубий Корея вони	2,75
10 Япония иенаси	28,86
1 Россия рубли	11,29
1 Украина гривнаси	57,75

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЕВРОПА ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БЕШИГИ

Аҳолиси —	57240 мингдан ортиқ.
Миллий пул бирлиги —	Италия лираси.
Миллий валютанинг инфляция даражаси —	5% (1990—1997).
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯМД —	19880 $.
Аҳолининг йиллик умумий ўсиш даражаси —	0.1% (1990—2000).
Йиллик туғилишнинг ўртача сони —	520 минг.
Ўртача умр —	78 ёш.
Аҳолининг 18 ёшгача бўлган қисми —	10312 минг.
Шаҳар аҳолиси —	67 %.

(БМТ маълумоти)

Италия ҳақида гап кетганда дунё харитасидаги «этик» кўриниши кўз олдимизга келади. Ҳа, «этик» кўринишида жойлашган ушбу давлат Европа цивилизациясининг бешиги ҳисобланади. Европа тараққиётининг истиқболини белгилаб берган Уйғониш даври ҳам айнан шу ердан бошланган.

Италия Европанинг жанубида, Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган.

Унинг иқтисодиётига назар ташлайдиган бўлсак, иккинчи жаҳон урушигача қишлоқ хўжалиги юқори ўринда турган. 1947 йилда бошланган иқтисодий ислоҳотларнинг янги истиқболлари 50-йиллардаёқ Италияни аграр республикадан саноати ривожланган мамлакатга айлантирди. Ислоҳотлар даврида асосан оғир саноат, хусусан машинасозлик, енгил саноат ва нефтни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш эса ҳукумат ички иқтисодий сиёсатининг стратегиясига айлантирилди. Мана шундай иқтисодий ислоҳотлар натижасида бу ерда кичик ва ўрта корхоналар мамлакат ишлаб чиқаришининг 80 фоизини ташкил этиб, Италиянинг энг ривожланган 7 мамлакатдан бири сифатида ва саноати тараққий этган 5 мамлакат сафида жаҳонда тан олинишига олиб келди.

У ерда солиқ тизими Европа давлатлари солиқ тизимидан тубдан фарқ қилади. Солиқ тизимининг шаклланиш тарихига назар ташласак, ҳукумат солиқлардан ишлаб чиқаришни кенгайтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда, экологик таъсири кам бўлган ишлаб чиқариш соҳасини жорий қилишда иқтисодий ричаг сифатида фойдаланганлигини кўрамиз. Ҳозир бу ерда қуйидаги асосий солиқлар мавжуд: даромад солиғи (жумладан иш ҳақидан олинадиган солиқ), ҳунармандчилик солиғи, ер солиғи, корпорациялардан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, капиталдан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи. Бу солиқлар бюджетга келиб тушадиган тушумларнинг 92 фоизини ташкил этади.

Италия аҳолиси кексайиб бораётгани тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу ерда ўлимга нисбатан туғилиш кескин камайган. Табиийки, бу ҳолатда аҳолининг ўртача ёши ўсади. Италияда ҳозир 41 ёш ўртача ҳисобланса, 2050 йилга бориб, 53 ёш шу мақомни олади. Шу муносабат билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу мавзуда махсус ҳисобот эълон қилиб, унда Европада ўртача ёшни сақлаб қолиш учун муҳожирларга кенг йўл очиб бериш лозимлигини уқтирмоқда.

Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доимо яхши бўлиб келган. 1991 йилдан кейин сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларда ҳар иккала томон учун манфаатли бўлган йўналишларда ҳамкорлик йўлга қўйилди. 1996 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Флоренцияга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланди. 1999 йил 1 июлда кучга кирган бу муҳим тарихий Ҳужжат ЕИга аъзо бўлган мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Ушанда учрашувлар, тадбиркор ва ишбилармонлар билан мулоқотлар Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларни янада бойитди ва республикага инвестиция олиб киришга кенг йўл очиб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Италия билан ҳамкорликда ташкил этилган 60 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Италиялик сармоядорлар республикада амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда иштирок этмоқда. Жумладан, «Шўртан» полиэтилен заводи қурилиши ва бошқа иншоотларни барпо этишга ҳисса қўшишмоқда. Бундан ташқари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, телекоммуникация соҳаларида ҳам алоқалар мавжуд. Илм-фан, маданият, санъат, таълим соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлиқ ҳақида узоқ гапириш мумкин. Театр, санъат арбобларининг бир-бирларига борди-келдилари, тажриба алмашишлар, фильмлар кўргазмалари ўзбек ва итальян халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

■ **Бахтиёр ҲАМИДОВ**

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ



ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИГА НАЗАР

Урганчдаги «Даритал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси маҳсулотларининг асосий қисми экспортга чиқарилмоқда. Қўшма корхона «Хоразм пойабзали» акциядорлик жамияти ва Италиянинг машҳур «Берпел» компанияси томонидан бунёд этилган. Қўшма корхонада 150 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

***

Навоий вилоятида «Гозғонмармар» акциядорлик жамияти ҳамда Италиянинг «Рови-Рову-ЛТД» компаниясига қарашли «Тима-Фруголи» фирмаси билан ҳамкорликдаги мармарни қайта ишловчи линия фаолият кўрсатиб келмоқда. 1 миллион 190 минг АҚШ долларига тенг ушбу технология ёрдамида йилига 60 минг квадрат метр мармар тахтачалари ишлаб чиқарилмоқда.

Бу ерда буюртмачиларнинг талабига асосан эни 30 сантиметрдан 60 сантиметргача, узунлиги исталган ҳажмда маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган.

***

«Термизнон» ҳиссадорлик жамиятида Европа Иттифоқи ТАСИС дастурининг амалий алоқалар маркази ёрдамида умумий қиймати 454 минг АҚШ долларига тенг бўлган Италиядан келтирилган жиҳозлар ўрнатилиб, 5 турдаги макарон ва 7 турдаги печенье маҳсулотлари тайёрланмоқда.

***

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан Италиянинг «CSB Инженеринг SPL» компаниси ўртасида Шерободнинг тоғли Зарабоғ даҳасидаги «Кампиртепа» гранитини қазиб олиш ва қайта ишлаш тўғрисидаги шартнома имзоланган. Унга биноан, Шерободда қурилажак корхонада кўп миқдорда плита, кондицион блок ва бошқа хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

***

Фарғонадаги «Наврўз» мевани қайта ишлаш корхонаси қошида Италия сармояси асосида «Фаркам» қўшма корхонаси ташкил этилди. Унда йилига 28 минг тонна помидор қайта ишланиб, маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

***

Хатирчи туманидаги «Лангар» конида гранит, мармар, харсангтош каби ранго-ранг жило берувчи табиий бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган. «Лангар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти «Шамс-Навоий» фирмаси билан ҳамкорликда Италиянинг «Робероид-ЛТД» фирмасининг 1 миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган янги технологиясини ўрнатди. Ушбу технология асосида йилига 3 минг куб метргача гранитни қайта ишлаш қувватига эга.

***

Баллаорол туманидаги «Лалмикор» матлубот савдо акциядорлик жамияти қошидаги турли хил макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Лалмикор-Ш» савдо ишлаб чиқариш корхонаси ҳам Италия сармояси асосида барпо этилди.

Бу ерда Италиянинг «Техногри Проджект» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ 114 минг 230 АҚШ доллари қийматидаги ишлаб чиқариш линиялари келтириб ўрнатилган.



ТАЪҚИБ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Лондон полициячилари «Минг йиллик гумбази» кўргазма залидаги 500 миллион долларлик олмос буюмларни ўғирлашга уринган жиноятчиларни таъқиб қилишда давом этмоқда. Жиноятчилар «Де Бирс» компаниясига қарашли 13 та, жумладан, «Минг йиллик юлдузи» деб номланган машҳур олмосни ўғирламоқчи бўлган эди. Маълум бўлишича, полициячилар халқаро жиноий гуруҳнинг бу режасини бир неча ой олдин билган ва ўғриларни мунтазам кузатиб борган экан.

МИНОРА «ЎСДИ»

Франциянинг фахри ҳисобланган машҳур Эйфел минораси бир неча ой давом этган таъмирлаш ишларидан кейин беш метрга ўсди. Энди миноранинг баландлиги 324 метрни ташкил этмоқда. Умуман, Европада энг баланд минора Москвадаги «Останкино» ҳисобланади.

АНТИҚА МАЪЛУМОТ

Туркияда ўтказилган сўров натижалари қизиқ маълумотларни берди. Маълум бўлишича, мамлакатда 13 ёшгача бўлган болаларнинг тенг ярми ўзининг дунёга қандай келганини билмас экан. Сўралганларнинг 40 фоизи ўзларини ё экин майдонидан топиб олинган, ёки лайлак олиб келган, деб ҳисоблар экан. 36 фоизи эса қандай қилиб дунёга келганини ўйлаб ҳам кўрмаган.

ГУРУҲ ТУЗИЛДИ

Қуддуснинг шарқий қисмида яшовчи яҳудийлар ўз-ўзини мудофаа қилиш гуруҳларини ташкил этишга қарор қилди. Мақсад террорчиликнинг олдини олиш ва фаластинликлар отадиган тошларга полициядан олдинроқ жавоб қайтаришдир.

АЧЧИК, АММО ОЧИК ГАПЛАР

КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН

- **Туманда янги иш ўринлари яратилмади**
- **Давлатга 167466,0 минг сўм солиқ тўланмади**

Республикамизда кичик ва ўрта бизнес ни ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Мақсад мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини янада ошириш, фуқароларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш, бозор шароитида пайдо бўладиган ишсизликнинг олдини олиш эди. Лекин мавжуд қонунлар ҳамма жойда ҳам бир хил амалда эмаслиги ачинарли.

Денов туманидаги «Агротех» хусусий компанияси тадбиркорликни ривожлантириб, маҳаллий хомашёни илғор технология асосида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб туман бозорларини озиқ-овқат маҳсулотларига тўлғазиш учун бизнес режа ишлаб чиқди. Кўзланган режа амалга ошса маҳсулотнинг бир қисмини хорижга экспорт қилиш имкони ҳам туғиларди. Қолаверса, туманда янги ишчи ўринлари пайдо бўларди. Мазкур режани амалга ошириш учун республикада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган «Бизнес фонд»га 1996 йил бошида мурожаат қилишди.

Узоқ тортишувлардан сўнг 1996 йилнинг 3 сентябрида III-сонли шартнома имзоланди. Шартномага асосан, «Бизнес фонд» 6920800 сўм миқдорида кредит ажратадиган бўлди. Кредит икки босқичда, биринчи босқич маблағи, яъни 4858480 сўми иморат барпо этиш ва хориж технологиясини сотиб олишга сарфланиши керак эди. Қолган иккинчи босқич маблағи эса мониторинг текширувидан кейин, хомашё сотиб олиб ишлаб чиқаришни бошлаб юборишга сарфланарди. Мазкур шартнома 35 фоиз устама билан 5 йил муддатга тузилди. Аввалига хусусий компания тадбиркорлари чўчиброқ қарашди шартномага, аммо биринчи босқич маблағлари ҳисоб рақамларига келиб тушгач, шиддат билан ишга киришишди.

«Агротех» хусусий компанияси тадбиркорлари бино қурилишини 6 ойда ўз ҳисоб рақамларидан қўшган ҳолда 5865332 сўмга қуриб битказдилар. 1758480 сўмга эса керакли ускуналар сотиб олинди. Денов тумани аҳли ҳам ўзларида ишлаб чиқариладиган нон ва нон маҳсулотлари ҳамда колбасалардан татиб кўриш шарафига муяссар бўлаётганидан хурсанд эдилар. Қолаверса, қанчалаб ёшлар иш билан таъминланарди.

Шартномадаги келишувга мувофиқ 1997 йил 5 март куни «Бизнес фонд», «Мадад» суғурта агентлиги ва «Пахтабанк» вакиллари томонидан мониторинг текшириви ўтказилди. Олинган кредит мақсадли фойдаланганлиги тўғрисида №I далолатнома тузилди. Гўё ҳаммаси силлиқ кечаётгандек эди. 5 март кунида ўтказиб берилиши керак бўлган иккинчи босқич маблағлари негадир 12 март куни амалга оширилмади.

Хусусий компания тадбиркорлари ўз маблағлари ҳисобидан хомашё сотиб олиб ишлаб чиқаришни бошлаб юборишлари мумкин эди. Лекин республикамиздаги мавжуд қонунчилик бузилмасин дейишди. Аммо вақт ўтгани сайин шартнома шартлари туя гўшти ея бошлади. Натижада цехлар ишга туширилмади. Юзлаб ёшлар ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетишди. Устига-устак «Бизнес фонд» фоизларни тўламаса Хўжалик судига беришини айтиб тадбиркорларни қийнай бошлади. Ахир, иккинчи босқич маблағи берилмаган, кичик цехлар ишга туширилмаган, фойда олинмаган бўлса, тадбиркорлар фоиз тўловларини қайси маблағдан тўлашларини билмай гаранг-сиб қолишди.

1997 йилнинг 19 мартида Сурхондарё вилоят назорат тафтиш бошқармаси вакиллари ҳам текширув ўтказди. Улар ҳам олинган кредит маблағлари мақсадли сарфланган, деган хулосага келишди. Ахир, ускуна нон эмаски, бирортаси еб қўйилса ёки улар игнамидики йўқолиб қоладиган. Нима бўлганда ҳам бу текширув эътиборга олинмади.

1997 йил июль ойида вилоят ҳокимлиги, «Бизнес фонд» ва «Мадад» суғурта агентлиги ҳамкорликда вилоятдаги тадбиркорлар билан учрашув ўтказди. Хусусий компания президенти Тўймурод Худойназаровнинг иккинчи босқич маблағлари келиб тушмаганлиги сабабли кичик цехлар ишга тушмаганлиги, режалар барбод бўлиб, шартнома шартлари бажарилмаётганлиги ҳақидаги эътирозларини «Бизнес фонд» раиси тўғри, деб топди ва Тошкентга боргач, албатта ҳал қилишини айтди. Мазкур йиғин ҳақида баённома тузилди, тасмаларга туширилди. Лекин ваъда ваъдалигича қолди.

Балки, «Бизнес фонд»чиларнинг кўнгиллари юмшар деган мақсадда хусусий компания айланма маблағи ва ишчилар ойлик маошидан чегириб 471 минг сўм фондчилар ҳисоб рақамига ўтказди. Барибир натижа бўлмади. «Мадад» суғурта агентлигининг 1998 йил 11 сентябрдаги иккинчи босқич маблағларини тезда ўтказиб берилиши лозим эканлиги тўғрисидаги хати ҳам инобатга олинмади. Аксинча, 1998 йил 21 октябрь куни «Бизнес фонд» сўрови билан Денов туманлараро прокуратураси тафтиш ўтказди. Натижа эса битта — биринчи босқич маблағлари мақсадли сарфланган.

Шу тариқа иш Тошкент шаҳар хўжалик судигача бориб етди. Тадбиркорлар худо деган эканми, 1999 йил 1 июнда судья Н. В. Лопаева бошчилигида ўтган суд тадбиркорнинг фойдасига ажрим чиқарди. «Бизнес фонд» ҳисобидан хусусий компания фойдасига 20048602,59 сўм ундириб бериладиган бўлди. Даъвогар ва жавобгар томонидан норозилик шикоятлари бўлмагач, 1999 йил 1 июль куни ижро варақаси, 12 июлда эса қарор бажарилди. Яъни «Бизнес фонд» ҳисоб рақамидан хусусий компания фойдасига 20048602,59 сўм ўтказиб берилди. Шундан сўнг фондчилар уйғониб қолишди. Ахир, емаган сомсаларига бир, икки эмас, йигирма миллион тўлаб туришса, бу ҳам етмаганидек юқори органлар олдида айбдор бўлиб қолса алам қилмайдими?!

Шундай қилиб «Бизнес фонд» Олий хўжалик судига (озгина кеч бўлса-да) кассация шикояти жўнатди. Кредит машмашаси республикани қамраб оладиган бўлди. Фонд раиси тадбиркор Тўймурод Худойназаровни ёнига чақириб: «Мана, Ўзбекистонимизда ҳам демократия ғалаба қила бошлабди. Мен чин юракдан табриклайман. Ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишингиз барча тадбиркорларга намуна бўлади!» — деди-да, келишув битими тузишга кўндирди. Битим тузилиб тадбиркор имзо чекди, аммо «Бизнес фонд» раиси имзо чекишга шошилмади. Алдов йўли билан иккинчи босқич маблағларидан воз кечиш тўғрисида хат ҳам олди. Мана энди ишлар беш, иккинчи судда албатта ғалаба қилади раис! Худди шундай бўлди. Энди қайси демократия ғалаба қилганлигини билолмай тадбиркорнинг боши қотди.

Суд қайта кўриб чиқиши тайин этилди. Барча ҳужжатлар яна судга тақдим этилди. Аммо 1999 йил 4 август куни фонд раиси Салима Қўйлиева бошчилигида Адҳам Далиев, Асрор Нуртоевларни Деновга хусусий компанияни текширгани жўнатди. Улар вилоятдаги вакиллари билан бирга туман ҳокимлигидан, туман солиқ инспекциясидан, «Пахтабанк»дан ва «Агротех»дагилардан керакли ҳужжатлар талаб қилишади. Ҳужжатлар судга тақдим қилинганини айтишса-да, жараён давом этаётганидан хабардор бўлишса-да, текширув ўтказишади. Ва «Агротех» маъмурий биносини ноқонуний равишда муҳрлаб кетишади. Бу ҳам етмагандек, 10,11 август кунлари яна ўша гуруҳ Сурхондарёга жўнатилади. Ҳаммаси маълум эди, тирноқ остидан кир қидириларди. Лекин ҳайбатдек бино қад кўтариб тургани, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар шай тургани айблашга имкон бермасди. Чунки, биринчи босқич маблағлари фақат бинони тиклашга ва ускуналар сотиб олишга қаратилган эди.

Гуруҳ аъзолари тадбиркор Тўймурод Худойназаровга берилган «Ташаббус-99» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиққанлигини ҳам назардан ўтказишди. Аксига олиб «Ташаббус-2000» кўрик-танловида ҳам тадбиркор ғолиб бўлди. Лекин ғолиблик тадбиркорга илҳом, яхши кайфият бағишласа, «Бизнес фонд» билан бўлаётган можаролар шунчалик тушкун кайфиятга сола бошлади. Ҳаммасига қўл силтаб кетгиси ҳам келди, аммо дўстдушман олдида эпломмабди, деган гапни кўтаргиси келмади.

1999 йил 20 октябрь куни Тошкент шаҳар хўжалик судида қайта суд бўлиб ўтди. Суднинг аниқлашича, олинган кичик цехлар ГОСТ 12, 1005-88, ГОСТ 21253-75 бўлиб, давлат стандартларига тўлиқ жавоб беради. Шундай экан, биринчи босқич маблағлари мақсадли ишлатилган дейиларди. Суд ҳужжати давомида эса, ишлаб чиқаришдан фойда олиш ва кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш иккинчи босқич маблағлари ўтказилишига боғлиқ дейилади. Энг қизиғи эса, суд қарорида «Бизнес фонд» ҳам, «Агротех» хусусий компанияси ҳам айбдор деб топилмади. Ҳар иккаласининг ҳам даъволари рад этилди. Шу қатори биринчи суднинг қарори ҳам бекор қилинди.

Адлия вазири А. Полвонзода Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломовга қуйидагича хат йўллади: «Аризачи томонидан (тадбиркордан) тақдим қилинган ҳужжатлар Адлия вазирлигида ўрганилганда, республика «Бизнес фонд»и томонидан шартнома шартлари бажарилмасдан, ушбу низо келиб чиқишига сабаб бўлганлиги кўринади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилган №1705-л-у сонли хўжалик ишини ва қабул қилинган барча қарорларни атрофлича ўрганиб, назорат тартибида протест келтиришингизни сўраймиз». Аммо фондчилар бунга парво ҳам қилишмади. Натижада ўтган йиллар мобайнида хусусий компания давлатга тўлаши лозим бўлган 167466,0 минг сўм солиқ суммасини тўлай олмади.

Энг ачинарлиси кичик цехларни ҳалигача ҳанг босиб ётибди, ҳайбатдай бинода иш тўхтаган. Тадбиркорга муносабат шундай бўлса, бозорларимизда ўзгариш қачон бўлади?

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ**

САЛОМАТЛИК БЕКАТИ

СОҒЛИГИНГ ҚАДРИГА ЕТ!

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологларининг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, амалиётчи врачлар ва сил касаллигини, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва тарқалиш омилларини аниқлаш, шунингдек, касалликнинг олдини олиш ҳамда самарали даволаш усулларини топишга ўзларини бахшида этган фидойи мутахассислар қатнашдилар. Қурултой иштирокчилари ва маърузачилари орасида фтизиатрия фани ва амалиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган, сил касаллигига қарши кураш тадбирлари сифатини оширишга меҳнати синган олим—профессор Абдувоҳид Содиқов ҳам бор эди. Анжумандан сўнг у қурултойдан олган таассуротлари ва одамлар соғлигига тажовуз қилаётган хавфли, айни пайтда хийла кенг тарқалган юқумли касаллик — силга қарши янада самарали кураш олиб бориш масалалари хусусида бажонидил суҳбатлашди.

— Ўйлайманки, сил ҳақидаги баъзи статистик маълумотлар ва фан хулосалари кўпчиликни қизиқтирмасдан қолмайди, — деб бошлади олим ўз сўзини. — Сил қўзғатувчи микробларни 1882 йилда немис олими Р. Кох кашф этган ва ҳозиргача унинг номи билан «Кох таёқчалари» деб юритилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё аҳолисининг бир фоизи шу дардга чалинадилар. Даволанмаган ҳар бир бемор йилда 10-15 кишига касаллик юқтиради. Чала даволанган сил бедаво дардга айланиб кетиши мумкин. Ёмон даволаниш эса умуман даволанмасликдан ҳам хатарли. Бундан 50 йил илгари дунёда туберкулёзнинг давоси йўқ эди. Оллоҳга шукрки, ҳозир бу дарднинг давоси бор, силга чалинган беморларнинг 95 фоизи соғайиб кетмоқда.

Шуни билиш муҳимки, сил касаллиги нафақат одамларга, балки ҳайвонларга, кўпинча қорамолларга ҳам юқади. Соғ одамга асосан силга чалинган беморлардан юқади. Аммо касалликни қўзғатувчилар инсоннинг кўзи, суяги, жигари, бўйрак, ичаклар ва бошқа аъзоларига ҳам зарар етказиши мумкин.

Суҳбатдошимиз касаллик ҳақида бизга кўплаб маълумотларни сўзлаб берди. Лекин биз уларни батафсил баён этишдан кўра шу ўринда олимнинг ўзи ҳақида сўз юритишни афзал кўрдик. 1971 йилда ТошМИни битирган Абдувоҳид Содиқов шу кунгача соғлиқни сақлаш хизматининг кўплаб пиллапояларини босиб ўтди. Сил илмий текшириш институтида кичик илмий ходим, кейинчалик катта илмий ходим, лаборатория мудири ва институт шифохонасининг бош врачи даражасигача кўтарилди. Илмий изланишларни амалий иш билан бойитиш натижасида сил касаллигини даволаш борасида номзодлик диссертациясини ёқлади. Унинг бу илмий иши силни даволовчи шифокорлар учун қимматли тавсияга айланди.

Абдувоҳид ака тиниб-тинчимайдиган изланувчан олим. У сил касаллигининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва уни даволашнинг янги усулларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Киев, Харьков, Минск, Санкт-Петербург, Алмати ва бошқа шаҳарлардаги тиббиёт масканларига бориб, ҳамкасбларининг бу борадаги ишларини, тажрибаларини қунт билан ўрганди. Мана шу изланишлар натижасида фан доктори, профессор А. Содиқов Ўзбекистонда биринчи бўлиб наслий туберкулёзни аниқлаш, даволаш ва бу жараёнларни назорат қилишнинг соддалаштирилган усулларини жорий этди.

Олимнинг айтишича, пойтахт вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган салкам олти йиллик даври амалий тажрибаларини бойитишда бениҳоя фойдали ва мазмунли босқич бўлди. Шу кезларда вилоятнинг икки тумани — Бўка ва Оҳангаронда маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда аҳолининг сил касаллигини аниқлаш бўйича поликлиникаларга мурожаати устидан кузатув ўрнатилди. Қишлоқ амбулаториялари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнига доимий шифохоналарга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктлари кенг миқёсда қурила бошлагач, назорат-кузатувлар доираси янада кенгайди. Масалан, биргина «Паркент» хўжалигида ҚВП қурилиб ишга туширилгач, уч ой мобайнида 256 киши шифокорларга мурожаат қилди. Бинобарин, туманда бир неча ҚВП очилгач, қишлоқларда туберкулёз касаллигини дастлабки босқичда аниқлаш 5-6 баравр-га ошди. Натижада силни даволаш осонлашди, бошқаларга юқишнинг олди олинди.

Шу боис А.Содиқов янги ҚВПлар қуриш ва ишга туширилишига катта эътибор билан қаради. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай даво масканлари сони 1200 дан ошиб кетди. Бундан ташқари барча вилоят марказлари ва пойтахтимизда шифохоналар, санаторийлар мавжуд. Мунтазам равишда уй ҳайвонлари — буқа, сигир, чўчқа ва товуқлар кўрикдан ўтказилаяпти. Касалланган жониворларнинг гўшти йўқ қилинмоқда.

1999 йилнинг ўзида силни даволаш учун 100 минг сўмлик дори-дармон сотиб олинди. Бундан ташқари чет эл фармацевтика фирмалари орқали 5 минг АҚШ долларлик дори-дармон келтирилди.

— Аммо кўрилаётган чораларга қарамай, мамлакатнинг баъзи вилоятларида сил касаллигининг кўпаяётгани кузатилмоқда, — дейди профессор афсусланиб. — Вазият айниқса Оролбўйи минтақаси, пахтачилик ҳудудлари ва йирик саноат марказларида ташвишли. Ўсмирлар, меҳнатга қобилиятли ёшлар, жувонлар бу дардга чалиниб қолаяпти.

Табиийки, А.Содиқов ва унинг ҳамкасблари сил касаллигининг келиб чиқиш сабабларини ипидан игнасигача ўрганишган, уни даволаш усулларини пухта билишади. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига амал қилишади. Бу, бевосита тиббий ходим кузатувида қисқа муддатли кимёвий даволаш усулидир. У ўзича кузатиш, микроскоплардан фойдаланиш, даволашни назорат қилиш, дори-дармонни ўз вақтида етказиб бериш ва давлат томонидан молиявий ёрдам тизимини ўз ичига олади. Мана шу тизимга қатъий риоя этиш кутилган самарани бериши мумкин.

Афсуски, бу дастурнинг барча бандлари санитария-гигиеник тадбирлар билан ҳамма ерда бажариляпти деб бўлмайди. Аҳолининг кўп қисми ҳамон лаборатория хулосасига эга бўлмаган сут ва сут маҳсулотлари, қорамол гўштини истеъмол қилмоқда. Бу эса инфекциянинг осонгина юқишига олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда, жумладан, 2-ТошМИда врач фтизиатрлар ва пульмонологлар етарлича тайёрланмаётгани ҳам салбий омилдир. Олим туберкулёзга қарши кураш учун барча имкониятларни сафарбар этиш зарурлигини, айниқса, уни барвақт аниқлашга муаллимлар, қишлоқ фаолларини жалб этиш, ветеринария хизматини кучайтириш, аҳоли миграциясини назорат қилиш, амнистия бўйича озодликка чиққан маҳбусларни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди.

А.Содиқов бўлиб ўтган қурултой силга қарши курашни янада кучайтиришга, тиббиётнинг муҳим соҳасига бебаҳо ижобий таъсир кўрсатишига шубҳа қилмайди. Биз эса олимнинг силни даволашга оид қурултойда қилган сермазмун маърузаси тиббиёт фани ва амалиётига маълум даражада наф келтиришига имон келтирдик.

■ **Норбобо ШАКАРОВ, Икром АҲМЕТОВ**

СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОР

ҚУШИҚЛАРИДА ДУНЁ ЮКИ БОР



Бир дастурхон узра тўртта нон бўласан,
Бир дарёдан сув ичган жайрон бўласан.
Ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз ватандошим,
Биринг юлдуз, биринг ой, осмон қуёшим.
Она-юртим Туркистоним бирлашингиз —
Дўсту ёру қадрдоним бирлашингиз!..

Ҳа, улуғ дастурхонида иссиқ нон ҳиди уфурган, жўшқин дарёси узра жайрони сакраган юрт ҳақидаги бу қўшиқ қалблар қатқатига сингиб кетади. Жозибали ва сеҳрли қўшиқлар, мунгли ва изтиробли қўшиқлар... Назаримда бири-биридан оҳангдор бу қўшиқлар серғалва, серташвиш дунё юкини елкалагандек. Юракка яқин қўшиқлар, дилтортар куйлар борки, Ватан туйғуси, ҳиссиёти, ҳаваси бисёр. Қўшиқлар, серавж куйлар борки, мозий одамлари ҳам, олами ҳам бундан-да пурвиқор. Шундан бўлса керак халқимиз: «Қўшиқ—дил мулки», «Қўшиқ—ҳаёт кўрки» дея таъриф беришган. Шавкатжон Ҳамдамов ҳам қўшиқ ила ҳаётни таниди. У санъатга кирганда чақин, гулдурак, аланга мисоли кириб келди. Оҳангдор рубоб, тор ила ҳаёт чаманига, бўстонига қадам қўйди. Унинг қардошлик-қондошлик ришталари билан йўғрилган «Туркистоним бирлашингиз» қўшиғи ялт этган учқундан, қўкка ўрлаган фавворадан дарак. Шу боис у Мулки Туроннинг ҳамдўстлигини куйга солиб, фахр-ифтихор ила куйламоқда. Куйлаганда ҳам дилдан ёниб, шеър-шеъриятдан, куй-ғазалдан қониб, баҳра олиб куйлаяпти.

Оддий пахтакор оиласида улғайган бу санъаткор бугун эл ардоғида, юрт олқишида. Уни ҳар куни халқ сайилларида, ўзбекнинг сергавжум тўй-ҳашамларида тор билан, ажиб бир соз-овоз билан учратасиз. Бугун унинг айни куй басталайдиган, янги шеър, ғазал топиб, мустақил юртни мадҳ этадиган пайти.

Баҳриддин Бақоев шеърига мансуб «Хўжаи Жаҳонсан», Муҳаммад Хўжаев шеъри билан айтиладиган «Бухорои Шариф», Шамсиддин Садойи сўзи билан «Туркистоним бирлашингиз», Хазиний қаламига мансуб «Унутма», Махтумқули ғазалига оид «Айрилдим» каби янги қўшиқлари халқ тилига тушди.

Шавкатжон Ҳамдамов дастасини бир сўз билан оилавий ансамбль дейиш ҳам мумкин. Зеро, ўзи билан елкама-елка туриб, севимли санъат йўлини танлаган Шуҳратжон, Бобомурод туғишган укалари бўлса, Шавқиддин, Турсунпўлат, Акбар жиянлари, раққоса қизлар — Мардона, Муҳаббат эса қишлоқдошлари, яъни пахтакор ва пиллакор қизлардир.

— Шогирдларим ичида ўзига хос овоз ва истеъдодга эга бўлган Шавкатжон Ҳамдамовни ажиб бир ғурур, иштиёқ билан тилга оламан, — дейди Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов. — У менга шогирд бўлибгина қолмай, тутинган ука ҳамдир. Зеро, унинг бобоси Ҳамдам ота билан менинг отам Ҳамдам бобо отдош ҳамда қалин дўст бўлишган. Дўстлик риштаси мана эллик йилдирки, мустаҳкамлигича қолмоқда. Шавкатжонга аслида созни мен берганман. Унинг 4 ёшлик суннат тўйида бобоси Ҳамдам ота қўлидан ош еб, болакайга рубоб совға қилганман. Мана, энди ўша соз тор бўлиб шаклланди.

Қиссадан ҳисса шуки, Ш. Ҳамдамов бугун нафақат ўзи яшаб истиқомат қилаётган Абдухолиқ Ғиждувоний номли хўжаликнинг, балки қадимий Ғиждувоннинг суюкли санъаткоридир. Йўқ, биргина Ғиждувонда эмас, балки қўҳна Бухорода, навқирон Навоийда ҳам унинг жўшқин қўшиғи, авжи пардадаги куй ва ғазали кириб бормаган хонадон йўқ.

■ **Муаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МАЪЛУМОТНОМА

«БУХОРО-АТЭК» ОТАЖга ҚАРАШЛИ ҚУЙИДАГИ:

№	Шаҳар ичида юк ташиш варақалари	Республика ичида юк ташиш варақалари	Халқаро йўналишдаги юк ташиш варақалари
1		0184692	0014611
2		0184699	0014618
3		0184696	0014617
4	0184594	0184695	0014616
5	0184593	0184694	0014615
6		0184686	0014614
7	0184592	0184693	0014612
8		0184686	0014619
9	0184592	0184693	0014604
10		0184686	0014609
11	0184592	0184693	0014608
12		0184686	0014607
13	0184584	0184685	0014606
14	0184582	0184683	0014610
15	0184578	0184682	0014603
16	0184581	0184680	0014601
17	0184571	0184681	0014600
18	0184580	0184674	0014599
19		0184601	0014613
20	0184575	0184676	0014597
21		0184673	0014596
22		0184668	0014595
23	0184571	0184672	0014594
24	0184569	0184670	0014593
25	0184505	0184602	0014592
26	0184510	0184610	0014591
27		0184606	0014589
28	0184507		0014588
29		0184665	0014587
30	0184555		0014583
31	0184561	0184662	0014585
32	0184577		0014584
33	0184559	0184660	0014583
34		0184658	0014582
35	0184554	0184655	0014581
36	0184556	0184657	0014580
37	0184550	0184665	0014579
38		0184651	0014578
39	0184551	0184652	0014577
40		0184656	0014576
41	0184549		0014575
42	0184547	0184648	0014574
43	0184560	0184661	0014573
44		0184606	0014572
45	0184539	0184639	0014571
46	0184509	0184611	0014570
47	0184541	0184641	0014569
48		0184669	0014568
49		0184636	
50	0184535	0184635	0014567
51	0184533	0184633	
52	0184532	0184632	
53	0184506	0184608	
54		0184630	
55	0184580		
56	0184527		
57	0184527	0184628	
58		0184624	
59	0184526	0184627	
60	0184525	0184626	
61	0184545	0184644	
62	0184522	0184623	
63	0184521	0184622	
64	0184520	0184621	
65	0184519	0184620	
66	0184568	0184666	
67	0184528	0184628	
68	0184518	0184619	
69	0184566	0184667	
70	0184509		
71	0184579	0184679	
72	0184511	0184612	
73		0184661	

рақамдаги лицензия варақалари муддати ўтганлиги туфайли ишлатиш ҳуқуқи БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Абдумалик БОБОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в. Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 22 декабря 2000 года в 10 часов аукционные торги.

На торги выставляются:

1. Автотранспортные средства, принадлежашие:
«12-автобус саройи», расположенному в Сергелийском районе, м-в Спутник, 12
— автомобиль «Мерседес-Бенц-190Е», гос. №10АА 213, стартовая цена 1 633 931 сум.
Автобазе «Ташметрокурилиш»
— автомобиль «МАЗ-5549», гос. № 10 АД 326, стартовая цена 793354 сума.

2. Здание магазина (аптеки) пл. 462 кв.м., принадлежащее КЭУ С. Рахимовского р-на, расположенное в С. Рахимовском районе, ул. Фароби пристроенное к домам № 1, 2, стартовая цена 11 765 481 сум.

3. Теплица, принадлежащая УПТК треста «Гордорстройремонт», расположенная в Сергелийском районе, пос. Ханабад, стартовая цена 3 178 087 сумов.

4. Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследуемое владение граждан, площадью 400 кв. м., расположенные на массиве Сергели-14 Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 269 339 сумов.

Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

Наш адрес: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Мовароуннахр, дом 16а.

Телефоны для справок: 144-43-77, 133-20-74.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган «Showberry Trading LTD» шўъба корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган «Шермуҳаммадбек» М.Ч.Жга тегишли бўлган бурчак штампи, думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2000 ЙИЛ 18 ва 22 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

«Ўзсувташқитранс» автокорхонасига қарашли «ГАЗ-2410», 1973 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 107495 сўм;**

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлинмасига қарашли «ГАЗ-310200», 1996 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 795052 сўм;**

Давлат-тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар бошқармасининг Сирғали туман 7945-сон бўлимига қарашли «УАЗ-31514», 1995 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 660330 сўм;**

Давлат фойдасига мусодара қилинган:

«М-2140» русумли, 1983 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 40000 сўм;**

«Тико» русумли, 1997 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 470000 сўм;**

«ЗАЗ-965» русумли, 1964 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 18000 сўм;**

«ВАЗ-21074» русумли, 1996 йилда и/ч, **бошланғич нархи — 380000 сўм.**

Шунингдек, Миробод туманида жойлашган, майдони 561 кв.м., баландлиги 6 метр бўлган икки секциялик сабзавот сақлаш базаси. **Бошланғич нархи — 13908633 сўм;**

Савдолар 10.00 да бошланади.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй.*
Телефонлар: *144-44-72, 144-44-73.*

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши ва Бекобод туман Кенгаши партия фаоли

Адолат ая РЎЗМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.